

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 56307 тани ташкил қилиб, шундан 43200 таси ёки 76,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5121 та (9,1 фоизи), саноат 3807 та (6,8 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1219 та (2,2 фоизи) ва қурилиш 1808 та (3,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	56307	100,0	43200	100
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	35738	63,5	23625	54,7
Саноат	3807	6,8	3634	8,5
Қурилиш	1808	3,3	1650	3,9
Савдо	5121	9,1	4805	11,2
ташиш ва саклаш	713	1,3	681	1,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1219	2,2	1171	2,8
ахборот ва алоқа	417	0,8	397	1,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	434	0,8	427	1,0
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7050	12,2	6810	15,3

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 93,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, 9,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштироқидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 82,8 фоизи бошқа корхоналар улушкига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-июнда жами 4675 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2121 та). Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (14,4 фоизи)), Пайарик (11,9 фоиз), Ургут (11,5 фоиз), Каттақўрғон (9,3 фоиз), Иштихон (8,7 фоиз), Булунғур (6,7 фоиз), Пастдарғом (6,4 фоиз), Оқдарё (5,6 фоиз), Жомбой (4,6 фоиз), Самарқанд туман (4,3 фоиз) ва Нарпай (4,2 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 13,2 фоизи саноат, 9,8 фоизи савдо ва 4,0 фоизи курилиш соҳаларига тўғри келади.


Ҳисобот даврида 5580 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 124 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 2,3 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва надавлат секторларининг нисбати куйидагича ифодаланади:


умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Саноат махсулоти



Кишлоқ, ўрмон ва
балиқ хўжалиги



Курилиш ишлари



Чакана савдо
айланмаси



Иқтисодиётда банд
бўлганлар

0% 100%

Давлат сектори

Нодавлат сектори